O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 31 июль, № 148 (4301) Сешанба

# ҲАМ ДИПЛОМ, ҲАМ СЕРТИФИКАТ

## ёшларни муқим иш ўрни билан таъминлайди

**16 йил**

***Президентимизнинг бевосита ташаббус ва раҳнамоликларида ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, "Таълим тўғрисида"ги Қонун талабларига мувофиқ мамлакатимиз таълим тизимида кескин ўзгаришлар кўзга ташланди. Хусусан, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим бўғинида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар бугун ўзини тўла оқламоқда. Оммалашаётган тажрибалар, янги-янги ғоялар самараси халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда.***

Айни шу ислоҳотлар туфайли **2006/2007** ўқув йили якунида ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси учун кадрлар тайёрлайдиган **14** та ихтисослашган коллежларнинг **1025** нафар битирувчисига диплом топширилди.






Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

(Давоми 2-бетда).

---

# ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси Бўритош МУСТАФОЕВ билан суҳбат

*Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги изчил ва қамровдор ислоҳотларнинг мақсади Конституциямизда, қонунларимизда ва умумэътироф этилган халқаро нормаларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, унинг ҳаёти, соғлиги, дахлсизлиги, қадр-қиммати ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини шакллантиришга қаратилган.*

*Ўтган даврда юртимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизимини шакллантиришнинг мутлақо янги концепцияси амалда жорий этилди. Судларнинг жиноий, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослашуви амалга оширилди. Суд ишларини апелляция ва кассация тарзида кўриб чиқиш институтлари жорий этилди. Тергов-суриштирув ва ҳибсда сақлаш муддатлари сезиларли даражада қисқартирилди, ишларни судларда кўриб чиқишнинг муддатлари такомиллаштирилди.*

*Айни чоғда, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида навбатдаги ўта муҳим масалалар — жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш борасида залворли ишлар амалга оширилмоқда.*

*Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси Бўритош МУСТАФОЕВ билан мамлакатимизда инсон манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган ана шу босқичма-босқич ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида суҳбатлашдик.*

— Юртимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар — у давлат қурилиши соҳасида бўладими ёки жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар бўладими — барчаси ўзаро бир-бирини тўлдирувчи, уйғун, тизимли тарзда йўлга қўйилган ва чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларни боғлаб турувчи асосий бўғин бу — инсон манфаатларидир.

Айтайлик, биз ўлим жазосини бекор қилишни, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишни истиқлолнинг илк кунлариданоқ амалга оширсак ҳам бўларди. Бироқ, халқимизнинг "Етти ўлчаб, бир кес" деган мақолига амал қилган ҳолда, бу борада ривожланган давлатларнинг босиб ўтган йўлини атрофлича таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, зарур ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий шарт-шароитлар етилиб улгурмасдан, халқнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ислоҳотлар билан ҳамоҳанг равишда юксалтирмай туриб бундай ўзгаришларни ўта жадаллик билан, сунъий равишда жорий этиш самара бермасди. Айрим ҳолатларда эса, аксинча, бундай шошқолоқлик оғир оқибатларга ҳам олиб келиши, ислоҳотлар ғоясига путур етказиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Юртбошимиз раҳнамолигида юқоридаги омилларни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда, ислоҳотларимизнинг ҳар босқичида амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Айнан шу пухта ва чуқур ўйланган стратегик дастур самараси туфайли истиқлол йилларидаги ислоҳотларимизнинг ҳар бир босқичи халқимиз учун ютуқлар омили бўлмоқда.

Табиийки, биз бу ишларни кимларгадир ёқиш учун эмас, аксинча, мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги, Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришдек эзгу мақсадларимиз ижобатини кўзлаб амалга оширмоқдамиз.

Маълумки, истиқлолнинг дастлабки даври, яъни 1991-1995 йиллар суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг миллий стратегияси белгилаб олиниши ва конституциявий-ҳуқуқий асослар яратилиши, шунингдек, жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда илк бор мамлакатимизда Конституциявий суднинг таъсис этилиши билан характерланади.

Бу босқичда "Прокуратура тўғрисида"ги (1992 йил), "Судлар тўғрисида"ги (1993) қонунлар, Хўжалик-процессуал кодекси (1993), Жиноят кодекси (1994), Жиноят-процессуал кодекси (1994), Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (1994), "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги (1995), "Конституциявий суд тўғрисида"ги (1995) ва бошқа қонунларнинг қабул қилингани мустақил давлатимиз суд-ҳуқуқ тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосини белгилаб берди.

Ислоҳотларнинг иккинчи босқичини — 1996-1999 йилларни мавжуд тажриба ва қонунчиликни таҳлил қилиш асосида суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларини чуқурлаштириш, одил судлов тизимини демократлаштириш, суд жараёнида айблов ва ҳимоянинг амалда тенглигини таъминлаш ва бунинг учун адвокатура мавқеини кўтаришга қаратилган тадбирлар амалга оширилиши билан таърифлаш мумкин.

Ушбу даврда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1995-1996), Фуқаролик процессуал кодекси (1997), Жиноят-ижроия кодекси (1997), янги таҳрирдаги Хўжалик-процессуал кодекси (1998), "Адвокатура тўғрисида"ги (1997), "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги (1998) қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари таркибини такомиллаштириш тўғрисида"ги ҳамда "Хўжалик судлари қарорлари ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва бошқа бир қанча фармонлари қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).

---

Танлов

Мамлакатимиз олий ўқув юртларида таҳсил олувчи йигит-қизларнинг энг иқтидорлиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида кўплаб давлат ва нодавлат ташкилотларининг қўшимча стипендиялар дастурлари мавжуд. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамда "Меҳр нури" жамғармалари томонидан ўтказиладиган «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури» шуларнинг бири. Куни кеча Тошкентда мазкур стипендиялар дастурининг саралаш босқичи якунланди.

# ИҚТИДОР УЧУН РАҒБАТ

Бу йилги «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури»да қатнашиш учун республикамиз олий ўқув юртларининг 3- ва 4- босқичида таҳсил олаётган 1200 га яқин талабадан ариза тушди. Ҳужжатлар малакали мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан ўрганиб чиқилди. Биринчи босқичдан муваффақиятли ўтган талабалар иккинчи босқичга таклиф этилди.

Якунда танловда қатнашаётган талабалардан 100 нафари ғолиб, дея эълон қилинади. Бунда ёшларнинг ўз билим даргоҳида аъло баҳоларга ўқиши, етакчилик қобилияти, танлаган мутахассислиги ва мамлакат тараққиётига ҳисса қўшишга интилиши каби хусусиятлари инобатга олинади.

Ғолибларга бир ўқув йили давомида қўшимча рағбатлантирувчи стипендия тўлаб борилади. Ўзини йил давомида яхши кўрсатган талабаларга стипендия келгуси йилга ҳам узайтирилиши мумкин.

Дастур ғолиблари номи сентябрь ойида ўтказиладиган тантанали тақдирлаш маросимида эълон қилинади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири**

---

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси депутатларининг ташаббуси билан ва давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида парламент томонидан қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги конституциявий қонунга мувофиқ депутатлар сиёсий партиялар фракцияларининг Қонунчилик палатасидаги раҳбарлари орасидан Спикер ўринбосарларини сайлади.***

Маълумки, қайд этилган конституциявий қонун эълон қилингунига қадар Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарлари Қонунчилик палатаси қўмиталари таркибига сайланиши, фракциялар ва депутатлар гуруҳи таркибига кириши мумкин эмасди. Ўз вазифасини адо этиши давомида сиёсий партияларга аъзолигини тўхтатиб турарди. Энди эса аввалги амалиётдан фарқли ўлароқ, сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари Спикер ўринбосарлари этиб сайланади ва ташкил этилган қўмиталар аъзоси бўлиши ҳамда уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиши мумкин.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида сўзга чиққанлар сиёсий партиялар фракциялари вакилларининг Спикер ўринбосарлари этиб сайланиши мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда муҳим қадам бўлганини таъкидлади.

Мажлисда мазкур қарорнинг қабул қилиниши сиёсий партиялар фракцияларининг Қонунчилик палатасидаги ролини оширишга, уларнинг парламентда мамлакат қонунчилик органи фаолиятининг мазмун-моҳияти ҳамда йўналишини белгилаб берадиган ҳаракатлантирувчи асосий куч сифатида шаклланишига хизмат қилади, деб таъкидланди. Бу, ўз навбатида, сиёсий партияларни фаоллаштиришда янги туртки бўлади, сиёсий партиялар фракцияларининг Қонунчилик палатасидаги фаолиятида рақобатни кучайтириш, электорат манфаатлари, шунингдек, партияларнинг дастурий кўрсатмаларини янада фаолроқ илгари суриш имконини беради.

Шунингдек, мажлисда Қонунчилик палатасида раҳбарлик лавозимини эгаллаш имконияти ҳар бир партия раҳбариятининг ўз электорати олдидаги масъулиятини янада ошириши қайд этилди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг айрим қўмиталари таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги ва кун тартибидаги бошқа масалалар муҳокама этилди.

**(ЎзА)**

---

*Навоий шаҳрида ҳозирги замон талабларига мос келадиган спорт коллежи қуриб битказилди.*

# Замонавий спорт коллежи

Ушбу таълим масканини Нурота туманидаги «Шодия» ишлаб чиқариш кичик корхонасининг моҳир қурувчилари бунёд этдилар. 540 ўринли спорт коллежи қурилиши учун 1 миллиард 480 миллион сўм маблағ сарфланди. Дарвоқе, келгуси йили спорт коллежи ўқувчилари учун ётоқхона, ошхона ва иккита бассейн қурилиши ҳам мўлжалланган.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 12 февралда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишлари ва мамлакатимизни модернизация қилиш йўлидаги аниқ вазифалар белгилаб берилган. Жойларда ўтаётган фаоллар йиғилишларида ярим йил давомида бу борада амалга оширилган ишлар таҳлил этилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинмоқда.***

**ТЕРМИЗ.** Сурхондарё вилояти ҳокими А.Эшмуратов бошқарган фаоллар йиғилишида жорий йилнинг ўтган даврида ижтимоий-иқтисодий соҳада салмоқли натижалар қўлга киритилгани таъкидланди. Жумладан, ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 9,8 фоизга ўсди. Халқ истеъмоли моллари, саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, пулли хизмат кўрсатишда ҳам сезиларли натижаларга эришилди. Ўтган даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, чет эл инвестициясини жалб қилиш, касаначиликни йўлга қўйиш ҳисобидан 20 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди.

«Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўл қурилишида йирик ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Хонжиза полиметалл рудалар конида қурилиш, Термиз шаҳридаги «Шингдонгтекстиль» қўшма корхонасида замонавий технология ўрнатиш, Бойсун туманида газ қидирув ишлари жадал давом эттирилди.

Чет эл инвестициясини жалб этиш эвазига 53, тадбиркорларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 13 лойиҳа асосида 1,5 минг киши иш билан таъминланди. "Шўрчидонмаҳсулотлари" акциядорлик жамиятида нон ва қандолат маҳсулотлари, «САВБ» масъулияти чекланган жамиятида яхна ичимликлар, "Абдулла" савдо-ишлаб чиқариш корхонасида пластмасса буюмлар, "Жаҳонгир" хусусий корхонасида ғишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Вилоятда «Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасида Меҳрибонлик ҳамда Мурувват уйлари, имконияти чекланган ногирон болалар мактабларида қарийб 60 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, ёлғиз кекса, нафақахўр ва ногиронларнинг уй-жойларини таъмирлашда ҳомийлар маблағидан унумли фойдаланилди.

Шу билан бирга, Жарқўрғон туманидаги «Алпомиш" қўшма корхонаси, Қумқўрғон туманидаги "Сурхон", Шўрчи туманидаги "Шўрчипахта" акциядорлик жамияти каби йирик корхоналарда ишлаб чиқариш суръати пасайди. "Пахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тизимидаги айрим корхоналарда, Бандихон ва Термиз туманларида касаначиликни ривожлантиришга етарлича эътибор қаратилмади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.Хонов сўзга чиқди.

**(ЎзА).**

* * *

*Шунингдек, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида ҳам ярим йил якунларига бағишланган фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтди.*

---



БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Жорий йилнинг дастлабки олти ойида бажарилган қурилиш ишлари ҳажми**

**20,5 фоизга ўсди.**

Ўтган даврда 155 та янги саноат ишлаб чиқариш корхонаси бунёд этилди. Хусусан, 30 та енгил саноат ва тўқимачилик, 55 та озиқ-овқатни қайта ишлаш саноати объекти ишга туширилди. Шунингдек, "Газли-Сапримой" газ қувури участкаси бўйича 50,5 км. қувур ётқизилди, иккита йирик лойиҳа бўйича 8 та қудуқ бурғуланди, «Кўкдумалоқ» конида ёндош газларни утиллаштириш бўйича 3 та мослама ўрнатилиб, 102 км. электр узатиш линияси тортилди, «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўли қурилиши давом эттирилди.

---

"Баркамол авлод – 2008"

# ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ БОШЛАНДИ

***Мамлакатимизда уч босқичли — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт мусобақаларининг мунтазам ўтказилиши ёшларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш билан бирга уларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишга ҳам хизмат қилмоқда.***

Келгуси йили ўрта махсус ўқув юртлари талаба-ёшлари ўртасидаги анъанавий "Баркамол авлод" спорт мусобақаларининг мамлакат босқичи Қорақалпоғистонда ўтказилади.

Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида бу муҳим спорт байрамига тайёргарлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, соҳа мутасаддилари иштирок этди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Б.Янгибоев бошқарган йиғилишда асосий эътибор республикада мавжуд спорт иншоотларини мусобақани ўтказиш учун тайёрлашга қаратилди. Айрим спорт мажмуалари, спорт заллари ва майдончаларини таъмирлаш, янги спорт иншоотларини қуриш, мусобақа иштирокчиларининг яшаши ва дам олиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун шарт-шароит яратиш борасидаги вазифалар белгиланди.

Спортнинг 14 тури бўйича ўтказиладиган "Баркамол авлод" мусобақаларида 3 мингга яқин ёш спортчи иштирок этиши кутилмоқда.

**А. ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

Хоразм томонларда

## Хивада яна бир музей

*Хиванинг "Ичонқалъа" давлат музейи қўриқхонасидаги "Кўҳна арк"да янги Хоразм тарихи музейи ташкил этилди.*

Музейга неолит, тош ва бронза асри, Хива хонлари даври, буюк олимлар ижодига тааллуқли 600 дан ортиқ экспонатлар қўйилган. Шунингдек, бу ердан муқаддас "Авесто" китоби ва Маъмун академияси фаолиятига бағишланган, Хоразм маданияти ва санъати, ҳунармандчилиги тарихига оид тарихий буюмлар ҳам жой олган. Айни пайтда, музейни экспонатлар билан янада бойитиш чора-тадбирлари кўрилаяпти.

## Талабалар – халқаро грант соҳиби

*Урганч Давлат университетининг жаҳон тиллари факультети талабаси Лайло Қозоқова Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармаси стипендиясини қўлга киритди.*

Мазкур ўқув даргоҳида техник муҳандислик йўналиши бўйича таълим олаётган Ғуломжон Эрметов эса Менделеев стипендияси ва гранти соҳиби бўлди.

Айни пайтда, Урганч Давлат университетининг 15 нафардан зиёд талабаси хорижий давлатлар олий ўқув юртларида таълимни давом эттириш имкониятига эга.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

Орамиздаги одамлар

# ҲОМИЙЛИК — КЎНГИЛ САХОВАТИ

***Бировнинг ёрдамига маҳтал одамни қўллаш, дардига дармон бўлиш, халқимизнинг азалий қадриятларига хос ҳислатдир. Айтайлик, ноқулай жойда тиқилиб қолган аравани катта йўлга солиш учун нима керак? Ота-боболаримиз шундай ҳолларда ночор йўловчига мадад бўлишни оддий инсоний бурч деб билганлар. Танг палладаги салгина кўмак билан тиқилиб ётган арава текис йўлда бемалол давом этган. Ёрдамдан баҳраманд инсон мададкорни ичичидан дуо қилган, самимий сўзлар билан алқаган.***

Хўш, ўзгаларнинг кунига яраш азалдан ҳаётимиз воқелиги экан, Ижтимоий ҳимоя йилида амалга ошираётган ишларимизнинг ўзига хос мазмун-мундарижаси нимадан иборат? Айнан мана шу юксак ва олижаноб фазилатларни янада ривожлантириш, кам таъминланган қатламга эътибор қилиш орқали ижтимоий адолатга эришиш жорий йил олдига қўйилган устувор вазифадир.

Кимгадир кўмак бериш, зарур пайтда қўллаб юборишнинг ҳам ўзига яраша меъёр-мароми бўлади. Бундай ҳаракатлар чин кўнгилдан, самимий, беминнат адо этилмоғи керак. Ахир ҳар бир инсон қалбининг тубтубида орият, ҳамият каби нозик туйғу яшайди. Агар сиз кимгадир яхшилик қилмоқчи бўлсангизу, бу ишни иддао билан, бирор мақсадни кўзлаб амалга оширсангиз — кечирасиз, энди уни яхшилик деб, атаб бўлмайди.

Ўз эҳтиёжидан орттириб жамғарманинг бир қисмини сарфлайдиган одам ҳам эртанги кунни аниқ тасаввур қилган ҳолда иш тутгани маъқул. Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманидаги «Минор» саёҳат-туризм хусусий фирмаси директори Олимжон Нормуродовнинг ҳомийлик ишлари ҳақида илиқ гапларни айтиш мумкин.

Олимжон юртимизда тадбиркорликнинг ривожи учун кенг йўл очилганидан оқилона фойдаланган ишбилармонлардан бири. У катта лойиҳаларни рўёбга чиқаришдан олдин дунё кезди. Малайзия, Туркия, Жанубий Корея мамлакатларида бўлди. Миср Араб Республикасининг Хелван дорилфунунида белгиланган дастур бўйича малака оширди, Японияда халқаро туризм ярмаркасида қатнашди. Қаерга бормасин, жаҳонгашта корчалонлар иш тарзини кузатди. Агар бундан саккиз йил муқаддам фирмада 3 киши билан иш бошлаган бўлса, бугунги кунда корхона бағрида 4 та юридик ташкилот фаолият юритмоқда. Фирманинг филиали Тошкент шаҳрида, ваколатхонаси Термизда ишлаб турибди. Иш ўринлари 60 тага яқинлашиб қолди.

Шу кунларда Жарқўрғон тумани марказида муҳташам иморат бунёд этилмоқда. Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида қуриб битказилиши кўзда тутилаётган «Минор» саёҳат-туризм фирмаси биноси тумандаги энг кўркам инфратузилма масканига айланади. Бошқача қилиб айтганда, аҳоли кўз ўнгида ислоҳотлар қандай самара бераётганлигини ана шу бунёдкорлик иншооти яққол ифодалаб турибди.

Бу ерда ишлар юришиб бораётганига сабаб, фақат сармоялар оқилона сарфланаётганида эмас. Одамлар дуоси, эл-улус хайрихоҳлиги «Минор»чилар одимига дадиллик бахш этмоқда. Ҳар йили ана шу ташкилот ҳомийлигида туман оқсоқоллари юртимизнинг қадимий шаҳарларига саёҳат қилиб келишади. Бундай зиёратлар асносида ҳар бир қалбда жонажон Ватан туйғуси жўш уриши турган гап. Халқ депутатлари Жарқўрғон туман Кенгаши депутати, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси Олимжон Нормуродов Амир Темур номли 2-мактабни таъмирлашга ёрдам берадими, тумандаги 52 нафар аълочи ўқувчини эсдалик совға билан тақдирлайдими, «Наврўз» маҳалла аҳлини трансформатор билан сийлайдими — ҳамма-ҳаммасини беминнат, чин дилдан адо этиш пайида бўлади. Биз бу эзгу амаллар ҳақида ҳомийлик ёрдамидан баҳраманд бўлганлардан хабар топдик.

Дунёда ўз умрини беҳуда ўтказаётганлар ҳам бор. Бир лаҳза телевизор олдида ўтириб олам хабарларига эътибор қилсангиз, хаёлингиз қаёқларга бориб келмайди. Бир жойда аллакимни гаровга олишибди, яна бошқа ерда сув тошқини аҳолининг тинчини бузибди. Беадад шукрки, юртимизда эзгу ниятли одамлар — саховатпеша юртдошларимизнинг савобли ишларга бел боғлаганлари ҳақида кўнгилларни кўтарувчи янгиликларни ҳар куни эшитамиз. Аслида бундай хабарларга ўрганиб ҳам кетганмиз. Агар чуқурроқ ўйласак, гўзал диёримиз узра эзгу саъй-ҳаракатлар туфайли файз-барака қўнаётганини дилдан англаймиз. Шундай ҳаётимизга асло кўз тегмасин!

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**



Таътил

# МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА

Айни кунларда юртимизнинг барча жойларида болаларнинг ёзги дам олиш мавсуми давом этаётир. Фарғона вилоятида ҳам минглаб ўқувчилар сўлим, баҳаво оромгоҳларда ҳордиқ чиқармоқда.

Яқинда Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида яна бир хайрли иш амалга оширилди. Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларидан 212 нафар кам таъминланган оила фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун Қувасой шаҳрида жойлашган "Ниҳол" оромгоҳига йўлланма берилди.

Бу ерда болаларнинг дам олиши учун барча шарт-шароит яратилган. Уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун турли тадбирлар, қизиқарли учрашувлар, спорт мусобақалари, билимдонлик баҳслари мунтазам ўтказилмоқда.

**М. СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**


«А.Иброҳимов номли Тошкент чинни заводи» ОТАЖ

**СОБИҚ ХОДИМЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**Тугатиш бошқарувчиси «А.Иброҳимов номли Тошкент чинни заводи» ОТАЖ собиқ ходимлари 2005 йил 25 декабргача бўлган муддат учун иш ҳақи пулларини олиб кетишлари мумкинлигини маълум қилади.**

Иш ҳақи пуллари ҳар куни соат 15.00 дан кейин «А.Иброҳимов номли Тошкент чинни заводи» ОТАЖнинг эски маъмурият биносида берилади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Сағбон кўчаси, 30-берк кўча, 8-уй.**

Ўзингизда паспорт ёки олувчи номига нотариал тасдиқланган ишончнома бўлиши шарт.

**Маълумот учун телефонлар: 155-60-36,185-05-18.**

1061Н/1321



ЭЛЕКТРОН ГАЗ ҲИСОБЛАШ УСКУНАСИ



**Ташкилот замонавий компьютерга уланадиган, соатига $25\ м^3$ дан $2250\ м^3$ гача ўлчайдиган турли хил электрон газ ҳисоблаш ускуналарини сотади.**

**Маҳсулот сертификатланган.**

Манзил: Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Кангли кўчаси,16-«А» уй, «Ҳаракатгаз Технология» МЧЖ.
Телефонлар: 183-66-88, (8 370 71) 5-59-87, 5-62-27.
Факс: (8 370 71) 5-61-73.
E-mail: harakat_2004@mail.ru



Российский линолеум
Обои виниловые
Форма оплаты — любая
Товар сертифицирован
тел. 134-48-11
факс 134-49-58



«Ўзметкомбинат» АИЧБ

Тўлиқ технологик циклли **рангли металлар ишлаб чиқариш корхонасида** қуйидаги маҳсулотлар тайёрланади:



*Мис лента, тунука (лист) ва металл тилим (полоса)*

***Техник тавсифи:***

- қалинлиги — 0,5-4 мм., қалинлиги бўйича аниқлиги — 1%, эни — 25-430 мм., узунлиги — ўлчамсиз ўрамларда (ўрамнинг ички диаметри — 400 мм., ўрамнинг ташқи диаметри — 1200 мм.), ГОСТ 1173-93, код ТН ВЭД 740911000;
- қалинлиги — 5 мм.дан 10 мм.гача, эни — 450 мм. (зиҳи кесилмаган), узунлиги ўлчамли — 1500 мм.гача, ГОСТ 495-95, код ТН ВЭД 740911000.



*Жез (латунь) лента, тунука ва металл тилимлар*

***Техник тавсифи:***

- қалинлиги — 0,5-4 мм., қалинлиги бўйича аниқлиги — 1%, эни — 25-430 мм., узунлиги — ўлчамсиз ўрамларда (ўрамнинг ички диаметри — 400 мм., ўрамнинг ташқи диаметри — 1200 мм.), ГОСТ 2208-91, код ТН ВЭД 740921000;
- қалинлиги — 5 мм.дан 10 мм.гача, эни — 450 мм. (зиҳи кесилмаган), узунлиги ўлчамли — 1500 мм.гача, ГОСТ 931-90, код ТН ВЭД 740921000.



*0,5 мм. қалинликдаги мис тунукадан тайёрланган металлчерепица*

**Ишлаб чиқариш корхонаси Европанинг (Италия, Австрия, Швейцария, Германия) етакчи фирмалари замонавий ускуналари билан жиҳозланган. Мазкур ускуналарда буюртмачининг барча истакларини тўлиқ қондириш, шу жумладан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш бўйича техник имконият мавжуд.**

**Маҳсулотлар жаҳон стандартлари талабига жавоб беради. Улар миллий ва халқаро сертификациялаш тизими бўйича сертификатланган.**

*Юқори сифатли маҳсулотимизни тезда етказиб беришга кафолат берамиз!*

*Манзилимиз:*

Ўзбекистон Республикаси 110502, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри.
Телефонлар: (+998 370) 913-15-22, (+998 370) 912-37-94,
(+998 370) 912-24-23. Факс: (+998 370) 912-37-78. E-mail: UMK-COCM@yandex.ru


ЖАҲОН 24 соат ичида

## Талаблар бажарилмаса...

**Олдин хабар берганимиздек, шу йилнинг 19 июль куни Афғонистонда 23 нафар жанубий кореялик фуқаро толиблар томонидан гаровга олинганди.**

Шундан буён гаровдагиларни озод этиш бўйича музокаралар давом этмоқда. Толиблар вакили Кари Муҳаммад Юсуф телефон орқали мурожаат қилиб, агар Афғонистон ва расмий Сеул талабларни бажармаса, тутқунда ушлаб турилган барча хорижий фуқаролар қатл этилишини билдирди.



Эслатиб ўтамиз, 25 июль куни толиблар жанубий кореялик бир фуқарони ўлдиришганини маълум қилишганди. Гаровга олинган кореяликлар Қандаҳор музофотидаги инсонпарварлик ташкилотларида фаолият юритишган.

## Учувчилар айбдор

Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳрида «Airbus A320» самолётининг ҳалокатга учрашига учувчилар сабабчи бўлган. Ушбу фожиани ўрганаётган махсус комиссия шундай хулосага келди.

Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг 18 июль куни рўй берган авиаҳалокат туфайли 200 нафарга яқин одам ҳалок бўлган эди.

## Милиционерларга ҳужум

Ингушетиянинг Қорабулоқ ва Малгобек шаҳарларида иккита портлаш рўй берди. Бу ҳақда РИА «Новости» республика Ички ишлар вазирлиги берган маълумотга таяниб хабар тарқатди. Вазирлик вакили Қорабулоқда милиция ходимининг уйига граната улоқтирилганганини, бироқ бу хунрезликдан ҳеч ким жабр кўрмаганини билдирди. Малгобек шаҳрида эса милиция ходимлари гуруҳига граната ёрдамида ҳужум қилинган. Бир милиция ходими жароҳатланган.

Айни пайтда террорчиларни қидириш ишлари олиб борилмоқда.



## Махсус вакил тайинланади

Буюк Британия Бош вазири Гордон Браун Яқин Шарқ бўйича ўзининг махсус вакилини тайинлашни режалаштирмоқда, дея хабар берди «The Guardian» газетаси. Бу лавозимга Майкл Уильям номзоди лойиқ кўрилаяпти. У шу пайтга қадар минтақавий тинчлик ўрнатиш жараёнлари бўйича БМТ Бош котиби ҳузуридаги махсус координатор вазифасида ишлаб келган. Сиёсатчиларнинг таъкидлашича, расмий Лондон томонидан яна ишончли вакилнинг тайинланиши АҚШ, ЕИ, Россия ва БМТнинг мазкур минтақа бўйича махсус вакили, мамлакат собиқ бош вазири Тони Блэрнинг фаолиятига халақит бериши мумкин.

## Ҳарбий ёрдам ҳажми кўпаяди

АҚШ яқин ўн йил давомида Исроилга ҳарбий ёрдам кўрсатиш мақсадида 30 миллиард доллар сарфлайди. Мамлакат бош вазири Эҳуд Ольмерт ҳукумат йиғилишида бу ҳақда баёнот берди. Бош вазирнинг сўзларига кўра, у Жорж Буш билан учрашганида ҳарбий ёрдам кўрсатиш ҳажмини 25 фоизга оширишга келишиб олинган. Мазкур эришилган келишув Исроил хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади, дея таъкидлади Ольмерт.

## Сув тошқинлари давом этаяпти



Хитойда 17 июлдан буён давом этаётган кучли жала туфайли қурбон бўлганлар сони 80 нафарга етган. 300 киши жароҳатланган. Ҳукумат 470 минг одамни зудлик билан эвакуация қилди. 60 мингга яқин уйлар қулаб тушган. Электр ва транспорт тармоғи бутунлай издан чиқди. Кўплаб қишлоқ хўжалик экинлари сув тагида қолди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, табиий офат мамлакатга 640 миллион долларлик зарар келтирди.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**


**Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ**

**2007 йил 30 август куни соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулкни қўймоқда:**

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2005 йил 10 октябрдаги 0518/5181-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 73-уйда жойлашган «SHOABBOS» МЧЖга тегишли Блок-1 (112 кв.м.), Блок-2 (304 кв.м.), Блок-3 (72 кв.м.), Блок-4 (27 кв.м.), Блок-5 (46 кв.м.), Блок-6 (205 кв.м.)лардан ташкил топган қурилиши тугалланмаган бинолар ва шийпон.

*Бошланғич баҳоси — 26 460 505 сўм.*

**Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ**

**2007 йил 17 август куни соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулкни қайтадан қўймоқда:**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2467-68/3-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Дарё бўйи кўчаси, Жанубий саноат зонасида жойлашган ва «TEXNO-SERA» МЧЖга тегишли, умумий майдони 10 678 кв.м.дан ташкил топган 2 қаватли база биноси ва Блок-А, Блок-Б, Блок-В, Блок-Г, Блок-Д, Блок-Е дан ташкил топган бинолар савдоларга чиқарилади.

*Бошланғич баҳоси — 434 663 307 сўм.*

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида закалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкидаги МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

**Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев к., 1-уй. Телефонлар: 138-69-94, 138-69-93.**

Лицензия DB001-000010.

# МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРГА ЭЪТИБОР

*Мустақиллик йилларида Жиззах вилояти ҳудудида жойлашган йигирмадан зиёд зиёратгоҳларда қурилиш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Ушбу тарихий қадамжоларда зиёратчилар учун барча қулайликлар яратилди.*

Янгиобод туманидаги Хўжаимушкент ота қадамжосини ҳар куни юзлаб киши зиёрат қилади. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида миллий қадриятларимиз билан боғлиқ қадамжоларни ободонлаштиришга қаратилаётган эътибор туфайли ушбу сўлим масканда ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ишлари бажарилди. Миллий меъморий услубда зиёратхона, дам олиш жойлари, овқатланиш иншоотлари барпо этилди.

Жиззах вилояти тарихий ҳамда маданий ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш давлат инспекцияси томонидан ўтказилган кўргазмали семинар-кенгашда шу хусусда сўз борди. Унда тарихий ҳамда маданий ёдгорликларни сақлаш ва зиёратчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

— Илгари қаровсиз ётган муқаддас қадамжолар истиқлол йилларида халқимизнинг маданий-тарихий мулкига айланди, — дейди Жиззах вилояти тарихий ҳамда маданий ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш давлат инспекцияси бошлиғи Саттор Қорабоев. — Вилоятда 25 та тарихий обида ва муқаддас қадамжо давлат рўйхатига олинган. Бу иншоотларни асраб-авайлаб сақлаш учун назоратчилар тайинланган. Улар маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда фаолият юритмоқда.

**Т. БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**




***Дунёнинг кўҳна шаҳарларидан бири деб эътироф этилган, ўзининг бой тарихий ҳамда маданий меросига эга бўлган — Самарқанд бугун ҳар жиҳатдан обод ва кўркам, шукуҳли ва саодатли масканга айланди. Истиқлол туфайли қадимий осори-атиқаларнинг ўз ҳолига қайтиши, янги-янги замонавий иншоотларнинг барпо этилиши, кўчаларнинг кенгайтирилиши, сўлим боғ-роғларнинг яратилиши шаҳар қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Президентимиз ташаббуси билан 1997 йилдан буён ҳар икки йилда ўтказилаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали қатнашчилари, меҳмонлари анжуман таърифини, шаҳарнинг бугунги довруғини ўз қалбларида дунёнинг барча бурчакларига олиб кетмоқдалар.***



# ОҲАНГЛАРДА ЭЗГУЛИК СЕҲРИ

Қадимий шаҳарда олтинчи бор ўтказиладиган бундай нуфузли анжуманнинг бошланишига жуда оз фурсат қолди. Айни пайтда, шаҳарда фестивалга тайёргарлик ишлари кучайтирилмоқда. Хўш, навбатдаги анжуман аввалгиларидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилиши кутилаяпти, тайёргарлик жараёнида нималарга эътибор қаратилаяпти?

Бундан икки йил аввал ўтган "Шарқ тароналари" V халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросими бадиий дастурининг асосий ғояси инсонларни гўзаллик, нафосат ва эзгуликка даъват этиш, дунё халқларининг ноёб мусиқий мероси ва анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, тили, маданияти, миллий қадриятлари ранг-баранг бўлган турли миллат ва элатларни санъат воситасида муштарак мақсадлар йўлида яқинлаштиришга қаратилганди.

«Бу ёруғ оламда тили, дини ва урф-одати турлича бўлган юзлаб миллат ва элатлар яшайди, лекин уларнинг барчасини бирлаштирадиган қудратли восита, бу — оҳанг, бу — тарона», деган эди мамлакатимиз Президенти фестивалнинг очилиш маросимида.

Дарвоқе, фестиваль дастурининг асосий ғояси бугунги нотинч ва таҳликали замонда ёвузлик ва жаҳолатнинг ҳар қандай кўринишига қарши халқаро ҳамжамиятнинг биргаликда кураш олиб бориши зарурлиги, жаҳон халқлари ўртасида маданий алоқаларни ривожлантириш орқали уларнинг тинчлик ва тотувлик йўлидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлашда санъат, хусусан, мусиқа санъатининг роли ва аҳамияти янада ортиб боришини акс эттиришга қаратилганди. Бу ғояни таъсирчан ифодалашда ўзбек халқининг ўлмас маънавий қадриятлари, тинчлик, дўстлик, инсоний комиллик ҳақидаги орзу-интилишларини юксак пардаларда куйлаб ўтган буюк боболаримизнинг умумбашарий қарашлари асос қилиб олинди.

Ўз-ўзидан англашиладики, Самарқанд саҳналарида дунёнинг турли мамлакатларидан келган ижрочиларнинг мақсади фақат қўшиқ айтиш, анжуман ғолиби бўлишгина эмас. Шу пайтга қадар ўтказилган мусиқа фестиваллари жаҳоннинг қанчадан-қанча қўшиқ усталарини Самарқандга чорлади. Улар турли тилларда куйлашди. Аммо мусиқани, қўшиқни англаш учун ҳеч бир миллат вакилига таржимон керак бўлмади. Чунки куй-қўшиқнинг қудрати шунчаликки, у ўз ҳолича ҳар қандай миллатнинг қалбига кириб бора олади. Мусиқа орқали миллатлар, давлатларнинг яқин дўст, биродарга айланаётгани ҳам Самарқанд фестивалларида кўзга ташланиб турибди.


ЎзА сурат-лавҳалари.

Фестивалнинг очилиш маросимида юртимиздаги кўплаб фольклор-этнографик дасталари иштирок этишади. Жумладан, Булунғурнинг "Чавқи", Ургутнинг "Бешқарсак", Каттақўрғон туманининг "Сарбози" дасталари ўзбек халқининг бетакрор халқ оғзаки ижоди, лапарлари фестиваль иштирокчилари дилларига завқ бағишлашади.

Самарқанд давлат университети табиий фанлар факультетидан 40 нафар талаба фестивалга тайёргарлик ишларида фаол қатнашмоқда. Уларнинг ҳаммаси санъатни жондилдан севишади. Машҳура Бойназарова, Зумрад Холдорова, Наргиза Кенжаева каби қизлар ўз қобилиятлари билан аллақачон жамоатчилик назарига тушиб улгурди.

Самарқанд чет тиллар институтидан 75 нафар талаба саҳна кўринишлари яратилишида қатнашаяпти. Институт маъмурияти талаба-қизларнинг тайёргарлик машғулотларида доимий қатнашиш учун барча шароитларни яратиб берган.

Мазкур институтнинг бўлажак таржимонлари хорижлик меҳмонлар хизматида бўлишади. Табиийки, бундай нуфузли анжуманларда қатнашиш ҳар қандай талабанинг дунёқараши, билими, муомала маданиятининг янада ошишига хизмат қилади.

Кўҳна Регистон айни кунларда бутун самарқандликларнинг, меҳмонларнинг, хорижликларнинг севимли майдонига айланиб қолган. Бутун кун мобайнида бу ердан одамларнинг қадамлари узилмайди. Улар тайёргарлик жараёнида ижро этилаётган куй-қўшиқларни берилиб тинглашади, дилбар рақслардан завқ олишади.

Ишончимиз комилки, «Шарқ тароналари» фестивали Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги мавқеини янада юксалтиради, хорижлик санъаткорлар қалбида юртимизга меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотади.

**Баҳодир ЙЎЛДОШЕВ,**
**Ўзбекистон халқ артисти.**
**"Шарқ тароналари" VI халқаро мусиқа фестивали бош режиссёри.**

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Спорт ● Sport ● Спорт ●

# ДОСТОНЛАРДАН МАЙДОНЛАРГА

***Чирчиқ шаҳрида Миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари анъанавий фестивали бўлиб ўтди***

Халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари қадимий ҳамда бой тарихга эга. Азалдан турли байрамлар, халқ сайллари спорт ўйинларисиз ўтмаган. Ана шу бебаҳо мерос асрлар оша бизгача етиб келди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, давлатимиз раҳбари ташаббуси ва ғамхўрлиги остида азалий қадриятларимизни ифодаловчи халқ ўйинларига алоҳида эътибор қаратилди. 1994 йили Фориш туманида I Республика "Халқ ўйинлари" беллашувлари бўлиб ўтганди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари қатнашди. "Бўрон", "Чавандоз", "Олиб қочар", "Чунка шувоқ", "Елка кураш", "Қирқ тош", "Минди", "Тортишмачоқ" каби азалий халқ ўйинлари бўйича мусобақалар ўтказилиб, ғолиблар тақдирланди. 1996 йилда бўлиб ўтган халқ ўйинлари мусобақасига ҳам Жиззах шаҳри мезбонлик қилди. Ҳар икки йилда бўлиб ўтадиган халқ ўйинлари анжумани 1998 йили Термиз шаҳрига кўчирилди ва бу фестиваль "Алпомиш ўйинлари" номи билан аталди. У камондан отиш, мерганлик олишиш, кураш каби мусобақаларни ўз ичига олганди. Мазкур мусобақа ўз ўрнида ёш авлод онгида миллий анъаналаримиз билан боғлиқ жиҳатларнинг муҳрланишида катта аҳамият касб этди.

1999 йили Жиззахда "Тўмарис" қизлар ўйинлари фестивали уюштирилди. Бу фестивал халқимиз орасида Тўмарисдек мард, жасур, оқила қизлар кўпчиликни ташкил этишини исботлади. Фарғона вилоятида 2000 йилда бўлиб ўтган "Алпомиш ўйинлари" II фестивали эса халқ ўйинларининг яна бир поғонага кўтарилишида ўзига хос ўрин тутди. 2005 йили Жиззах шаҳрида Миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари анъанавий фестивали юксак даражада ташкиллаштирилди. Шу тариқа йилдан-йилга ушбу фестиваллар такомиллашиб бормоқда.

"Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасида уюштирилган Миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари фестивалининг навбатдагисига Чирчиқ шаҳри мезбонлик қилди. Тадбир аждодларимизнинг бебаҳо ёдгорликлари, табаррук меросларидан оқилона фойдаланиш, маънавий қадриятларни қарор топтириш, республикамиз ҳудудларидаги ўзига хос миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини ривожлантириш, уларни халқаро миқёсга олиб чиқиш мақсадида ташкиллаштирилди.

— Бу йилги фестивалнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у жамоаларнинг кетма-кет чиқишлари асосида эмас, балки, сайл шаклида ўтказилди, — дейди Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Оммавий спортни ривожлантириш, оммавий спорт тадбирларини ўтказишни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи Равшан Насимов. — Ҳар бир вилоят жамоаси ўн беш нафар иштирокчи ва бир нафар илмий ходимдан иборат бўлди. Жамоалар ўзлари учун ажратилган махсус майдонда ўз ҳудудий келиб чиқишига мос либос ҳамда спорт анжомлари билан иштирок этди. Бундан ташқари, жамоаларнинг барчаси ўнтадан кам бўлмаган халқ ўйинларининг ёзма шакли ҳамда қисқача тарихий изоҳини ҳакамлар ҳайъатига тақдим қилдилар.

Уч кун давомида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоалари ўзлари тайёрлаган миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини намойиш этдилар. Шу билан бирга, томошабинлар фольклор этнографик гуруҳлар, бахши ва дорбозларнинг чиқишларига гувоҳ бўлишди. Фестиваль доирасида "Ўзбекистон миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари" мавзусида илмий-амалий анжуман ҳам уюштирилади.

Фестивалнинг бош соврини — Гран при Бухоро вилояти жамоасига берилди. Шунингдек, турли номинациялар бўйича ҳам ғолибларга совғалар топширилди.


М. АМИН (ЎзА) олган сурат.

# Ироқ — Осиё кубоги соҳиби

***Ироқ футболчилари Саудия Арабистони терма жамоасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ўз тарихларида биринчи бор Осиё кубоги соҳибига айланишди.***

Ўтган якшанба куни Индонезия пойтахти Жакартадаги "Гелора Бунг Карно" стадионида ўтган беллашувнинг 72-дақиқасида ироқлик Юнус Маҳмуд киритган ягона тўп учрашув тақдирини ҳал қилди. Мусобақа олдидан кўпчилик мутахассислар уч карра Осиё кубоги соҳиби Саудия Арабистони ғалабасини башорат қилишаётганди. Лекин, шу куни ғалабага бўлган иштиёқ, жамоавий ўйин ва омад ироқликлар томонида бўлди. Ҳакам ҳуштаги янграши биланоқ ўн минглаб ироқликлар ажойиб ғалабани байрам қилиш учун кўчага чиқдилар. Ироқ ҳукумати ҳар бир ўйинчига 10 минг АҚШ долларидан мукофот беришни ваъда қилди.



Учинчи ўрин Японияни пенальтилар сериясида мағлубиятга учратган Жанубий Корея футболчиларига насиб этди. Мусобақаларнинг тантанали ёпилиш маросимида 2011 йил бўладиган Осиё кубоги мезбонлиги Қатар давлатига топширилди. Эслатиб ўтамиз, янги низомга кўра, биринчи, иккинчи, учинчи ўрин соҳиблари ва мусобақа мезбони навбатдаги Осиё кубоги финал босқичида саралаш ўйинларисиз тўғридан-тўғри иштирок этади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

маълумотлар узатиш корпоратив тармоғи учун телекоммуникацион жиҳозларни етказиб бериш бўйича

**танлов эълон қилади.**

**Танлов ҳужжатларини қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 13-«А» уй. Телефонлар: 144-97-62, 144-97-44, 144-97-14. Факс: 144-22-96. Ички телефонлар: 200, 762, 744.**

**Танловда иштирок этиш таклифлари эълон чоп этилгандан бошлаб ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача 5 кун давомида қабул қилинади.**

1076Н/1333

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Газдевайс» ЁАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари *(200 кВт ва 400 кВт);*
- буғ қозонлари *(соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);*
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари *(100 кВт ва 200 кВт);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар *(7 кВт дан 16 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар *(20 кВт дан 100 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар *(10 кВт дан 40 кВт гача).*

***Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга. Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.***

**Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:**
**1. Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторидаги 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.**
**2. Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.**

410Н/589




ЎзР ФА М.Т.Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти жамоаси академик Турсунбой Рашидовга укаси

**Маҳкамбой БЕКМУҲАМЕДОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Хусусий очиқ акциядорлик тижорат банк «Алп Жамол банк» бошқаруви жамоаси банк раиси ўринбосари Фазлиддин Абдурашидовга волидаи муҳтарамаси

**Клара АБДУРАШИДОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 25266 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тогаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

т -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.35 1 2 3 4 5 6